

НОДИР-УЗЛАТНИНГ “ҲАФТ ГУЛШАН” ДОСТОНИДА ВАЗН ВА МАВЗУ МУТАНОСИБЛИГИ

Шахноза Мухитдиновна РАҲМОНОВА

Филология фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори

докторант

Алишер Навоий номидаги

ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

shahnoza.raxmonova86@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада Нодир-Узлатнинг “Ҳафт гулшан” достонида вазн ва мавзу мутаносиблиги, унда истифода этилган “Етти гулшан”даги ҳикояларнинг вазн хусусиятлари таҳлил қилинди. Достондаги вазн ва мавзу муносабати ўрганилди. Ўрни билан адабиётшуносликдаги мавжуд фикрларга муносабат билдирилди.

Таянч сўзлар: достон, жанр, вазн, аруз, маснавий, ҳазаж.

МЕТРИЧЕСКАЯ И ТЕМАТИЧЕСКАЯ ГАРМОНИЯ В ЭПИЧЕСКОЙ ПОЭМЕ “ХАФТ ГУЛЬШАН” НАДИР-УЗЛАТА

Шахноза Мухитдиновна РАҲМОНОВА

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Докторант

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

shahnoza.raxmonova86@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается баланс метра и темы в эпической поэме Надир-Узлата «Хафт Гульшан», анализируются метрические характеристики рассказов в «Етти Гульшан» («Семь садов»). В статье исследуется соотношение метра и темы в эпосе. Приводятся мнения о существующих идеях в литературоведении.

Ключевые слова: Эпос, жанр, метр, аруз, маснави, ҳазаж.

Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган Муҳаммад Шариф XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган. У Узлат (Узлатий), Нодир (Нодирий), Махжур (Махжурий), Шариф (Шарифий) сингари тахаллуслар билан ижод қилган. “Узлат илмий жамоатчилиқка ўзининг Нодирага бағишланган “Ҳафт гулшан” достони ҳамда тўртта ўзбекча ғазали билангина маълум эди. Шоирнинг ижоди ҳам, асосан, мазкур достони бўйича баҳоланган эди” [7;187]. Унинг “Ҳафт гулшан”и XVIII аср охири ва XIX аср

биринчи ярми халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётга хос хусусиятларни мужассамлаштирган дoston ҳисобланади.

Дoston Умархоннинг вафотидан сўнг Нодирага бағишлаб ёзилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди: “Бул вофирул ихлос қуллари, қосирул эътиқод вал ихтисос бандалари ҳазрат ойимнинг кўнгиллари кўзгуси ғуборини кўтармоққа етти гулшане бино қилибдурким, фусули арбаъя анда мусовийдур” [7;188]. Демак, Нодир-Узлатнинг “Ҳафт гулшан” дostonи етти гулшандан иборат бўлиб, асар Нодиранинг кўзгуси ғуборини кўтармоқ учун яратилган.

Адабиётшуносликда Нодир ва унинг “Ҳафт гулшан” дostonига А.Қаюмов, Т.Ғафуржонова, Х.Расуловлар юқори баҳо берган. Хусусан, А.Қаюмов Нодирнинг “Ҳафт гулшан” асарини XIX аср биринчи ярмида Кўкон адабий муҳитидаги кўзга кўринган воқеа ҳамда ўзбек адабиёти тарихига қўшилган бир ҳисса деб қараш кераклигини ўринли қайд этади [8;258]. “Ҳафт гулшан” дostonи XIX аср биринчи ярмида уч хонлик орасида ҳокимиятни қўлда сақлаш ва устунлик қилиш учун шиддатли жанглар бораётган даврда яратилган [5;100]. Дostonда Нодиранинг олижаноб ишларини

*Солиб бир мадраса ул моҳи офоқ,
Бошини кўкка еткурган икки тоқ.
Аниқ ҳар кунгири боргон фалакка,
Бўлубон ошён фавжи малакка [3;7]*

деб олқишлайди. Нодир дoston хотимасида ушбу асарини 1824-1825 йилларда яратганлигини таъкидлайди. Дoston, асосан, катта-кичик 7 та ҳикоядан иборат. Ушбу “...дostonлар ўзининг тузилиши, сюжет характери билан, кўпроқ шеърӣ йўл билан ёзилган ҳикоялар ва эртакларга ўхшаб кетади” [8;259]. “Ҳафт гулшан” анъанавий ҳамд, наът ҳамда чаҳор ёр таърифи билан бошланади. Кейин шоир ўзи ҳақида гапириб, муҳтожликда қийналиб яшаганлигини баён этади. Шунингдек, Нодир дostonининг кириш

қисмида “аҳли суҳан ҳолидан огоҳ бўлган”, “саховатда тенги йўқ”, “қарам қилувчи олижаноб инсон образи”ни яратади.

“Ҳафт гулшан”да Нодиранинг зеҳн ва идрок эгаси, “Қарам бобида юз эрди зиёда” эканлиги, ақл билан иш кўриши айтилади:

Ҳама бошдин/ оёғи эр/ди идрок,

V – – –/ V – – –/ V – ~

Жаҳон ичра/ анингдек кел/магай пок.

V – – –/ V – – –/ V – ~

Агар ҳар иш/ни ул этса/ ирода,

V – – –/ V – – –/ V – –

Қарам боби/да юз эрди/ зиёда.

V – – –/ V – – –/ V – –

Келтирилган байт *ҳазажи мусаддаси мақсур* (руқнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун V – – –/V – – –/ V – –) ва *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* (руқнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун мафойил V – – –/V – – –/ V – ~) ўлчовларида битилган. Байт учун истифода этилган ридфи аслийли мурдаф қофия (*идрок, пок*), мужаррад қофия (*ирода, зиёда*) вазни белгилашда асос мезон ҳисобланган. Достоннинг кириш қисмидан кейин бирин-кетин “гулшанлар”га кириш бошланади. Шоир асардаги гулшанлар ҳақида шундай ёзади:

Очилгон ҳар бирида лолау гул,

Муанбар атр ила райҳону сунбул.

Суйи эрур анинг ҳикмат зулоли,

Дарахтидур ҳикоятнинг ниҳоли.

Анинг ҳар бирида панду насиҳат,

Анга бўлди муносиб бир ҳикоят.

Бориси келди ўтган шоҳлардин,

Ёзилди сафҳага огоҳлардин [4;20].

Ҳар бир гулшанда лолау гул очилгани, унинг муанбар атри райҳону сунбулга, суви ҳикмат зилолига, дарахти ҳикоянинг ниҳолига ўхшатилади.

Гулшанларнинг ҳар бир саҳифаси панду насихат, уларга муносиб бир ҳикоят, шунингдек, ҳикоят мазмуни ўтган шоҳлар ҳақида эканлиги айтилади. Асарга киритилган ҳикоятлар орқали жамиятдаги муаммолар маълум воқеа асосида кўрсатишга ҳаракат қилинади.

“Ҳафт гулшан” ҳикоятларининг биринчиси – “Аввалги гулшан” деб номланади. Унда ғишт қуювчининг ўғли ва ғариб кишиларга ёрдам қўлини чўзган адолатли шоҳ образлари тасвирланади. “Аввалги гулшан” ҳазажи мусаддаси маҳзуфда яратилган. Отаси вафотидан кейин ўғил тушкунликка тушиб оғир аҳволда қолади:

*Ға-м+аҳли хо/тира янглиз/ бузилгон,
V – – –/ V – – –/ V – ~
Анинг тўрт гў/шаси ҳар ён/ узилгон [3;11б].
V – – –/ V – – –/ V – ~*

Кўринадики, келтирилган байт ҳазажи мусаддаси мақсурда битилган. Қофия учун келтирилган *бузилгон, узилгон* сўзлари байтни мазкур вазнда ёзилишини тақозо қилган. Йигит ўз бахтини топиш, қашшоқликдан чиқиш илинжида карвонга қўшилиб ўзга юртга боради. Ўша ерда бир бойнинг кизини “ҳалола” қилиш учун унга никоҳлаб беришганида унга ошиқ бўлиб қолади. Унинг ёрга қараганида гоҳ беҳуш, гоҳ ўзида эканлиги *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазнидан фойдаланиб тасвирланади:

*Анингтеқ кўрмаган ҳаргиз тушида,
Ғаҳи беҳуш эди гаҳи ўзида [3;13б].*

Аёл ҳам йигитга ошиқ бўлади, ҳар икки севишган орасида аҳду паймон билан муҳаббат иплари боғланади.

“Ҳафт гулшан”нинг иккинчи ҳикоятида тадбиркорлиги, устомонлиги билан бахтини топган Мубориз ҳақида баён қилинади. Нодир Муборизни паҳлавон, жасур, ҳатто йиртқич ҳайвонни ҳам бўйсундириш қудратига эга баҳодир сифатида тасвирлайди. Шунингдек, дostonда Муборизни мажлисларни ўз нотиклиги билан равшан, латиф сўзлари билан гулшан айлаши, бироқ ҳукмдорларга мулозим бўлишни лозим топмаслиги айтилади:

Мажолис шам/ъи янглиз рав/ша-н+айлаб,

V – – –/ V – – –/ V – –

Латойиф сў/зи бирла гул/ша-н+айлаб.

V – – –/ V – – –/ V – –

Вале қилмас эди ўзига лозим,

Салотин аҳлига бўлмоқ мулозим [3;9a].

Шоир келтирилган байтларнинг дастлабкисида моҳирлик билан қофиянинг ўзак таркибига кўра тури мужаррад қофиянинг иккинчи турини кўллайди. Яъни, *равшан*, *гулшан* қофиядош сўзлари ундош билан якунланиб, ундошдан олдин қисқа унли келган. Иккинчи байтда эса муассас қофиядан ўринли фойдаланади. Байтдаги *лозим*, *мулозим* сўзлари қофия, “м” ҳарфи – равий, “о” – таъсис, “з” ундоши – дахил, “и” унлиси – ишбоъдир.

Воқеалар ривожиди Мубориз Лоҳур ва Бангола шоҳларига икки лак зар эвазига садоқатли мулозим бўлиш шартини кўяди. Унинг таклифини Бангола шоҳи рад этади, Лоҳур шоҳи эса қабул қилади. Мубориз Лоҳур шоҳига садоқатини исботлаш мақсади ўз аёли ва фарзандини ўлдиришга ҳам рози бўлади. Достонда Лоҳур шоҳининг одил ва адолатли ҳукмдор сифатида таърифи келтирилади:

Олиб ҳар кун сипар зар неча муҳтож,

Ичиб-кийиб неча очу яланғоч [3;22a].

Достоннинг учинчи ҳикоятига ҳам йигит ва қиз муносабати асос қилиб олинади. Унда тасвирланишича, Пешохур шаҳрида бир золим шоҳ бўлиб, унинг гўзал қизи мусиқа ва шеър ёзишга қизиқар эди.

Эди фурсат киби назм ичра чолок,

Ҳама бошдин аёғи фаҳму идрок...

Агар чун нағмасин айласа соз,

Садодек тошу қумдин чиққай овоз [3;28a].

Отаси малика учун бир боғ барпо қилади. Қиз у ерда бошқалар кўзидан ҳоли яшайди. Бир куни вазирнинг ўғли боғда маликани кўриб қолади ва улар бир-бирларига ошиқ бўлишади. Бундан хабар топган вазир ўғлини

банди қилади, шоҳ эса қизини ўлдиради. Шунда малика ўз қони билан деворга шеър ёза бошлайди, бироқ шеър якунига етмайди. Воқеани кўрган шоҳ ҳайратдан қайғуга ботади, мулозимларига “то” сўзи билан бошланган байтнинг маъносини топишни амр қилади. Муаммога донишманд Шайх Саъдий келиб ойдинлик киритади. У қиз ёзишга улгурмаган сўзни топади:

Жонони маро ба ман биёрид,

Ин мурда танам баду сипорид.

То бўса занад барин лабонам,

Гар зинда шавам ажаб мадорид [3;33a].

“Мазмуни: Жонимни манга келтиринг, бу ўлик танимни унга топширинг, бу лабларимдан ўпса, агар тирилсам ажабланманг” [5;117].

Шундан сўнг ошиқ йигитни маликанинг олдига келтиришади. Унга “муҳабат жомини тут” дейишади ва қиз акса уриб кўзларини очади. Нодир бу ҳикояти билан муҳаббатнинг кучи ўлимни ҳам енга олишини исботламоқчи бўлади.

Нодир “Тўртинчи гулшан” ҳикоятининг бошланишида “...Давлатхоҳ вазиру жонсипор дастурининг дони мутриби, чанг навозлиғи, ҳашамат аҳли ва салтанат зумрасиға алзал ва аҳсандурким, ...донишманд ва ҳайрият андиш хирадманд вазирнинг ўзиға муқарраб ва мўътабар айлаб, анинг сўзларини хурзи жон ва тумори жинон қилсунким манфаат насими ва мазаррат самумидин огоҳ этгай, то ҳикмат тартиби бирла давлат гулшан тароват топиб, осиб итмогой ва ҳаёт шикуфаси хуррам ўлиб, фано хазониға кетмагой”, деб баён этади [3;34]. Бундан шоирнинг мазкур ҳикояда ҳам ақл-идрокнинг қудратини ёритганини англаш мумкин.

Достондаги “Бешинчи гулшан” ҳикояти қаҳрамонлари Саодат ва Жавҳардир. Асарда бу икки ёшнинг вафо ва садоқати баён этилади. Ҳикоятда ошиқлар бир-бирларини тушларида кўради. Бу анъанавий мотив халқ оғзаки ва ёзма адабиётга хосдир. Ҳикояда Жавҳарнинг таърифи:

Вале онинг пари нури мужассам,

Қуёш янглиг кавокибдин муаззам.

*Юзи лавҳида уч холи ёзилгон,
Лаби остида бир чоҳи қозилгон.
Этиб жон кўнгил уч хол ила сайд,
Қилур зулф ила боғлаб чоҳига қайд [3;50]*

тарзида келтирилади. Саодат ва Жавҳар ўзларининг меҳнати, хунари билан бахтга эришади. Бошларига тушган барча қийинчиликларни сабр ва бардош билан енгиб ўтишади. Бунинг мукофоти ўлароқ асар якунида Саодат юртга шоҳ бўлади.

“Олтинчи гулшан” ҳикоясида Хуршид ва унинг бошидан ўтказган саргузаштлари баён этилади. Ҳикоя фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Унда кўплаб мўъжизали воқеалар тасвирланган. Қаҳрамонлар Муравват, Футувват деган қушларнинг гўштини еб, Хуршид шоҳ, Аторуд эса оғзидан дур чиқариш хислатига эга бўлади. Шунингдек, инсониятнинг мўъжизали дарахт барги туфайли турли шаклга кириши, қуш каби учиши одамзод орзусининг ишониб бўлмас бир кўриниши эканлиги ифодаланади. Асарда Хуршид образи тилаб олинган ўғил, шаҳзода сифатида гавдаланади. Мунажжимлар бола туғилганидаёқ у 12 ёшга тўлганида мусофир бўлишини айтишади. Ҳикояда Хуршид образини Аторуд образи тўлдириб боради. Шоир уни олифта, қўлидан иш келмайдиган бир йигит сифатида таърифлайди. Қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси қуйидагича тасвирланади:

*Ўшал ҳолатда Хуришиди жаҳондор,
Ки оту тўн оларга борди бозор...
Кулоҳин қошини устига қўюб,
Тамошони кўройин деб суюниб [3;88].*

Моҳбонунинг портрети анча ишонарли чизилади. Муаллиф унинг тасвирини келтирар экан, ўхшатиш, таносуб шеърӣ санъатларидан ўринли фойдаланади. Ҳикояда Моҳбону “шаҳга эрди биргина қиз”, гўзалликда, ақл-идрокда тенги йўқ, “табассум лабларидин эрди гулрез” санам сифатида гавдаланади. Унинг тишлари дурдона, қадди хушқомат эканлиги таъкидланса, кўзи оҳуға, ўзи эса хушбўй оқ гулға ўхшатилади. Бундай

гўзаллик жаҳонга бошқа келмайди деб, унда тенгиз малоҳат мужассамлиги баён этилади.

*Тиши дурдонау қадди санавбар,
Кўзи оҳу, ўзи хушхў суманбар
Жаҳонга келмас андоғ хўш сабоҳат,
Эди бошдин аёғ барча малоҳат [3;87].*

Нодирнинг маҳорати шундаки, *фаувлун* тармоқ рукнига мос келувчи мужаррад ва муассас қофиядаги сўзларни тенг қўллайди. Бу билан у оҳангни, вазни сақлаб қолади. Ҳикоядан келтирилган парчада шоир *санавбар, суманбар, сабоҳат, малоҳат* каби қофиядош сўзлардан фойдаланади. Биринчи байтдаги *санавбар, суманбар* сўзлари қофиядош бўлиб, “р” равий, ундан олдинги “а” қисқа унлиси тавжиҳ бўлиб ҳисобланади. Иккинчи байтдаги *сабоҳат, малоҳат* сўзлари муассас қофия бўлиб, чўзиқ “о” унлиси – таъсис деб, ундан кейинги “ҳ” ундоши дахил деб, равий олдидаги “а” қисқа унли эса ишбоъ деб аталади.

“Еттинчи гулшан”нинг кириш қисмида “...Муҳаффал бобин очиб ва неча қиммат баҳо гуҳуридин еттинсин мунтаҳаб қилиб сочибман. Аввалги насиҳат бўлким, ғаддору наммому хоин ва ғаразгў қўлидан ижтиноб қилиб, сазоларин бермоқ, то ўзгаға ибрат бўлсунким, то алар шоматидин мамлакат куёшиға завол ва аморат шарафиға вубол бўлмоғой; иккинчи беғараз дўстларға муваффақиятчилик қилмоқ, то маъоззاداتларидан фавоид кулли ҳосил бўлғой; учинчи душман аҳволини мулоҳаза қилмоқ, то алар макридин эмин бўлмоқ; тўртинчи душман мазарратидин ғофил бўлмасун, то матлуб илгидин кетмасун; бешинчи, афким ҳукумат аҳлиға барча сифатлардин беҳроқдур; олтинчи илму виқор ва сукун ва сабот, хусусан аҳли мамлакатға; еттинчи, ҳазм ва эҳтиёт барча ишга лозим ва вожибдур. Бул етти насиҳатким етти гулшан муқобиласида ёзилди. Ҳукамо хирадномасида мастуру салотин ва ҳуқкомнинг манфаат баёнида мазкурдир”– деган фикрларни ўқиймиз [3;98-99]. Бунда шоир “Ҳафт гулшан”нинг еттита гулшанида нима демоқчи бўлгани ва қандай ғояни илгари сургани очиқланади.

Нодир “Еттинчи гулшан” ҳикояси билан дostonга якун ясайди. Гўё ўқувчида мазкур ҳикоя асарнинг хулосаси каби таассурот қолдиради. Ҳикояда бир савдогарнинг ўғли Маъсуд ҳақида баён этилади. Кунларнинг бирида унга отаси савдо иши билан шуғулланиш учун минг ашраф пул беради. Маъсуд ушбу пулга “агар сафарда тоғлик жой келса, баландроқ ерга чиқиб ётиш” насиҳатини, иккинчи кун ҳам отаси берган пулга “туз еган ерга хиёнат қилмаслик” насиҳатини, учинчи кунда берилган пулга эса “агар уқбо иши билан дунё иши тенг келиб қолса, аввал уқбо, сўнгра дунё ишини қилиш” насиҳатини сотиб олади. Сафари давомида Маъсуд мазкур учта насиҳатга амал қилгани учун селдан қутулиб қолади, устозига хиёнат қилмайди, ўлимдан омон қолади. Охир оқибат устанинг қизига уйланади, ўз бахтини топади.

“Ҳафт гулшан”даги ҳар бир ҳикоя сюжети, композицион қурилиши бир-бирини такрорламайди. Жумлаларда эса араб-форс сўзлари кўп раб учрайди. Х.Расулов дoston ҳикояларининг ҳижрий 1328 (1910 милодий) йилда Тошкентда нашр этилган нусхасини анча мукаммал, деб билади. Биз ҳам олимнинг “Ҳафт гулшан” ҳикоялари нусхаси ҳақидаги фикрларига қўшиламыз. Адабиётшуносликда ушбу дostonнинг таржима асар эканлиги ҳам эътироф этилади. Бироқ бундай тахмин ўринли эмас, деб ҳисоблаймыз. Академик А.Қаюмов “умуман ўтмиш ўзбек адабиётида таржима нисбий маънога эгадир. Бирор сюжетда бир неча асарлар яратиш адабиётда традиция бўлиб қолгани маълум” [8;300]лигини таъкидлайди. Бу борада биз адабиётшунос олим А.Қаюмов фикрларига таянамыз.

Хулоса қилиб айтганда, Нодир-Узлатнинг “Ҳафт гулшан” дostonида ҳар бир гулшанга ҳикоятлар шундай жойланадики, натижада уларнинг мавзуси бир-бирини такрорламайди. Дostonнинг вазн хусусиятига кўра таслим, тағйир, васл, имола ҳодисаларидан ҳам фойдаланилган. Асар ишқий дostonлар учун асос бўлган ҳазажи мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаддаси мақсурда яратилган. Шоир “Ҳафт гулшан”да бадий санъатларни қўллаш орқали вазннинг оҳангдорлигини оширган

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. – 150 б.
2. Гафурджанова Т. Надир и его поэма “Хафт Гулшан”: дисс.канд.фил.наук. дисс. – Ташкент: Инс.т языка и литературы АН УзР. 1965. – 160 с.
3. Нодир. Ҳафт гулшан. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик университети, Қўлёзма, инв. № 1801.
4. Нодир. Ҳафт гулшан. – Тошкент: ФАН, 1961. – 154 б.
5. Расулов Х. Ўзбек эпик шеърлятида халқчиллик. XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярми. – Тошкент: ФАН, 1973. – 148 б.
6. Ўзбек адабиёти тарихи. 4 томлик. 3 том. – Тошкент: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959. – 805 б.
7. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 4 том. – Тошкент: Фан, 1978. – 444 б.
8. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Тошкент: ФАН, 1961. – 355 б.
9. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 224 б.